

«Мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир».



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 16-noyabr • Seshanba • 133 (31.253) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маданий кўчайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан энг кам: иш ҳақи — ойига 49 735 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 97 285 сўм; янага тариф сўмаси бўйича бошланғич (ну-линичи) разряд — ойига 49 735 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 97 285 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 59 690 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшил-диган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақаларга ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгилан-ган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йил-нинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кели- чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 декабри-дан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўр- тача 1,1 баравар оширилиши уларнинг амал- даги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инobatта олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январига ва ундан кейинги йилларда та- йинланган пенсияларнинг миқдори тенгла- штирилиши назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирли- ги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоб- лаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқла- син ҳамда барча турдаги пенсияларни оши- ришнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир- лиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғис- тон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вило- ятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бю- джетдан молияланадиган ташкилот ҳамда му- ассасалар билан биргаликда пенсиялар, на- фақалар, стипендиялар, бюджет муассаса- лари ва ташкилотлари ходимларининг лаво- зим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақти- да қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижти- моий нафақалар ва стипендияларнинг оши- рилиши билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар рес- публика Давлат бюджети ва Ўзбекистон рес- публикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бю- джетдан ташқари Пенсия жамғармаси маб- лағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилот- лар 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб маз- кур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучи- ни йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир- лиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фар- мондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшим- чалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақ- лифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вази- ри Ш.М.Мирзиёев, зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**
Тошкент шаҳри,
2010 йил 15 ноябрь

Муносабат



Мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган гоёлар, вазибалар ҳар бир партия аъзоси, депутат зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Кучли жамиятни шакллантиришнинг муҳим босқичи



Нурдинжон ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

■ Ўзбекистон ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлидан дадил илдамлаб бормоқда. Кўзлаган олий мақсадлари- мизга эришиш учун ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани ўзининг юксак самарасини берапти.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг шу йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузаси бугун мамлакатимизда кучли жамиятни шаклланти-

риш, демократик ривожланиш- нинг навбатдаги муҳим бос- қичи бошланганини аълолади. Шу сабабли ҳам Прези- дентимиз ўртага ташлаган ма- салалар нафақат мажлис иш- тирокчилари, балки бутун рес- публикамиз аҳолиси қалбидан яна бир бор ифтихор туйғуси- ни уйғотди, десак, хато бўл- майди.

Кўпгина мамлакатлар ҳамон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари билан курашиб турган бир вақтда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласининг кун тартибига қўйилиши мамлакатимиз иқти- содийёти барқарор ривожлана- ётгани, ҳуқуқий давлат куриш, инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини амал- да химоя этишининг кафолат- лари янада кучаяётганидан да- лolatлар.

(Давоми 2-бетда).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 ноябрь куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг (ЕИ) тараққиёт бўйича комиссари Андрис Пиебалгс раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмон- ларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Евро- па Иттифоқи ўртасидаги муно- сабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Бугун биз Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳаётнинг ўзи икки томонлама ман- фаатли конструктив ҳамкорлик учун зарур шароит яратиш маса- ласини кун тартибига қўйишни та- қозо этмоқда, — деди Ислам Каримов.

Ўз навбатида Европа Иттифоқи- нинг тараққиёт бўйича комиссари самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига ми- ннатдорлик билдириб, Бирлашган Европа Ўзбекистон билан сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Ўзбекистоннинг йигирма йил давомида босиб ўтган тараққиёт йўли, жумладан, глобал иқтисодий

инқироз даврида иқтисодийнинг барқарор ўсиши бизни ҳайратга солади. Сизнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон парламенти палатала- рининг қўшма мажлисидаги маъ- рузангиз билан танишиб чиқишга муяссар бўлдим. Сизнинг демократия — бу барқарорлик, вазият- нинг барқарорлигидир, деган фик- рингизга тўла қўшиламан. Демократия муттасил ривожланиб бора- диган жараён. Бу масалада уни- версал рецептлар йўқ. Фурсатдан фойдаланиб, Қирғизистон жануби- да рўй берган воқеаларга вазмин- лик ва донолик билан муносабат- да бўлганингиз, шунингдек, Аф- ронистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасидаги саъй-ҳаракат- ларингиз учун Сизга чуқур миннат- дорлик билдиришга ижозат бер- гайсиз, — деди Андрис Пиебалгс.

Ўзбекистон билан Европа Итти- фоқи ўртасидаги муносабатлар 1996 йилда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида кўплаб соҳаларда ри- вожланиб бормоқда. Ушбу битим-

га биноан бир неча «Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» қўшма орга- ни — Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкор- лик қўмитаси, Парламент ҳамкор- лиги қўмитаси, Савдо ва сармоя- лар бўйича қўйи қўмита, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва турдош масалалар бўйича қўйи қўмита фаолият кўрсатмоқда. Шу- нингдек, илмий-техникавий, таъ- лим, маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳам- корлик бўйича биргаликда лойи- ҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз билан Европа Итти- фоқи ўртасида турли соҳалар- даги савдо-иқтисодий ҳамкорлик- ни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва Европа сармояси иштирокида тузилган корхоналар сони ошиб бораётган- ни бунинг тасдиғидир. Хусусан, Европа Иттифоқи ишбилармон до- иралари «Навоий» эркин-индуст- риал иқтисодий зонасининг сар- моявий салоҳиятига катта қизи- қиш билдиришмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш исти- қболларига доир ва томонлар- ни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

■ Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуху!

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олий- ларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллаш- дан гоят мамнунман.

Ушбу фазилатли айёмда Аллоҳ субҳонаху ва таолодан Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига равақ ва файзу барака, бутун ис- лом умматига эса фаровонлик ва осойишталик ато этишини сўраб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Абдуллоҳ бин Абдулазиз ОЛ САУД,
Икки муқаддас масжид ходими,
Саудия Арабистони Подшоҳи

(Давоми 2-бетда).

ЎзХДП ҳаёти

БАҲО АМАЛИЙ ИШЛАРГА ҚАРАБ БЕРИЛАДИ

айрим жойлардаги масъулиятсизлик, лоқайдлик, электорат олдидаги мажбуриятни ҳис этмаслик ишимизни орқага тортмоқда

→ 2

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2010 YIL 16 NOYABRDAN BO'SHLAB XORIJIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1603,90	1 Миср фунти	283,75	1 СДР	2548,31	10 Жанубий Корея воени	14,41
1 Англия фунт стерлинги	2626,51	1 Канада доллари	1611,79	1 Туркия лираси	1135,85	10 Япония иенаси	197,17
1 БАА дирхами	444,14	1 Хитой юани	245,64	1 Швейцария франки	1662,56	1 Россия рубли	52,88
1 АҚШ доллари	1630,97	1 Малайзия рингити	520,91	1 Евро	2249,92	1 Украина гривнаси	205,91

1 Миср фунти	283,75	1 СДР	2548,31
1 Канада доллари	1611,79	1 Туркия лираси	1135,85
1 Хитой юани	245,64	1 Швейцария франки	1662,56
1 Малайзия рингити	520,91	1 Евро	2249,92

1 Миср фунти	283,75	1 СДР	2548,31
1 Канада доллари	1611,79	1 Туркия лираси	1135,85
1 Хитой юани	245,64	1 Швейцария франки	1662,56
1 Малайзия рингити	520,91	1 Евро	2249,92

10 Жанубий Корея воени	14,41
10 Япония иенаси	197,17
1 Россия рубли	52,88
1 Украина гривнаси	205,91

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Америка халқи номидан камина ва рафикам Мишель Курбон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига ўзимизнинг энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз. Ишончим комилки, Курбон ҳайити ўзида мужассам этган руҳий кўтаринкилик, ихлос ва қўбонлиқни инсонлар ўзаро баҳам

кўрар эканлар, меҳру муҳаббат ва беғаразлик асосида башариятнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни давом эттирадилар. Сизга ва Ўзбекистон халқига келаётган йилда муваффақиятлар тилайман. Эҳтиром ила,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотухи!
Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!
Сизни ва Сиз орқали барча юртдошларимизни улуг аёйём – Курбон ҳайити билан муқаддас заминда ҳаж ибодатини бажариб юрган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этаямиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин баҳо келтириш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган қулай имкониятлар Сизнинг халқимизга бўлган оталарча ғамхўрлигингиз намунасикидир. Мустақиллик йилларида миллий ва диний қадриятларга, бағрикенглик тамойилларига қўрсатилаётган алоҳида эътибор ва эҳтиромингиз тўғрисида юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қадамжолари обод этилиб, уларга янгича салобат бахш этилиши, халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлар юртдошларимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмакдир.

Биз, ўзбекистонлик ҳождлар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби табарруқ ерларда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамisha омон, элимиз тинч, турмушимиз янада фаровон бўлишини Яратқандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз. Сизга, муҳтарам Президент Жаноблар, Аллоҳ таолодан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни ҳамisha ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Ўзбекистон ҳождлари номидан муфтий У.АЛИМОВ

Макка шаҳри,
Арафот водийси,
2010 йил 15 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич! Бизни муштарак қадриятлар, бой тарихий ва маданий мерос бирлаштириб турган қардош Ўзбекистонга расмий ташрифим вақтида менга ва делегациямиз аъзоларига нисбатан қўрсатилган алоҳида эътибор ва меҳмондўстлик учун Сизга яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Ўзгал мамлакатингизга расмий ташрифим давомида ўтказилган самимий учрашувлар ва музокараларимиз, имзоланган Қўшма баёнот ва бошқа ҳужжатлар Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичда ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига ишонаман. Кейинги йиллардаги ўзаро ташрифларимиз мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожиди муҳим воқеа деб ҳисоблайман. Ишонч билдириб айтаманки, ташрифим чоғида Хайдар Алиев номидagi Озарбойжон Маданият марказининг очилиши мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада юксак даражага кўтариш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

Озарбойжон икки томонлама асосда ҳам, шунингдек, халқро ва минтақавий ташкилотлар даражасида ҳам Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида аҳамият беради. Мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Ишончим комилки, биргалликдаги саъй-ҳаракатларимиз иқтисодий масалалардаги ҳамкорлигимизни ҳам сиёсий соҳада бўлгани каби юксак даражага кўтариш имконини беради.

Мен Арманистон — Озарбойжон, Тоғли Қорабоғ можаросини халқро хуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида бартараф этиш ишида Ўзбекистоннинг катъий принциплар позицияси ва мададини юксак кадрлайман. Ҳар иккала қардош мамлакат — Озарбойжон ва Ўзбекистон халқро ташкилотларда стратегик шериклар сифатида бундан буюн ҳам бир-бирларини қўллаб-қувватлаверишига шак-шубҳа қилмайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ишларингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман. Эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Шунингдек,

Миср Араб Республикаси Президенти **Муҳаммад Хусний МУБОРАК**;
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид ОЛ НАХАЁИ**;
Кувейт Давлати Амири **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир АС-САБОЎ**;
Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин АЛ-ХУСАЙН**;
Яман Республикаси Президенти **Али Абдуллоҳ СОЛИЖ**;
Озарбойжон Республикаси Президенти **Илҳом АЛИЕВ**;
Туркменистон Президенти **Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ**;
Қозоғистон Республикаси Президенти **Нурсултон НАЗАРБЕКОВ**;
Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали РАҲМОН**;
Фаластин Миллий Маъмурияти Раиси, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Кўмитаси Раиси **Махмуд АББОС**;
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазири, Бош назоратчи **Султон бин Абдулазиз ОЛ САУД**;
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги Ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид ОЛ МАКТУМ**;
МДҚ Динларро кенгаши ҳамраиси, Кавказ муслмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Аллоҳшукр ПОШШОЗода** томонидан йўлланган табриқларда Қодир Аллоҳдан давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотирхамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истақлар билдирилган. Табриқлар келиши давом этмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз ўз маърузасида мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври, айниқса, охириги ўн йилликда амалга оширилган ишларимизни чуқур таҳлил этиб, шу билан бирга, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги навбатдаги вазифаларни белгилаб берди. Энг асосийси, бу мақсадларга қайси йўллар билан эришиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида қандай қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги ҳақида аниқ тақлифларни илгари сурди.

Кучли жамиятни шакллантиришнинг муҳим босқичи

Кўпгина ривожланган давлатлар демократик қадриятларни қарор топтиради, фуқаролик жамиятини шакллантиришга юз йиллар давомида эришган. Чунки, бу жараён аҳоли ижтимоий-сиёсий савияси ва маданияти, фуқароларнинг ҳуқуқий оғли даражасига бевоқифлик босқичи, Мамлакатимизда мазкур жараён қисқа вақт ичида босқичма-босқич, энг муҳими, ҳажон тажрибасини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, самарали амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Президентимиз таъкидлаганидек, одамларимизнинг дунёқарашини, онги-шуури ва тафаккурини, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, келажакка ишончини кундан-кунга ошириб бораётгани демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичига дадил қадам қилишимизга тўлиқ асос бўлади.

Мамлакатимиз Конституциясига киритиш тақлиф этилаётган ўзгаришлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ўки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилиши мамлакатимизнинг демократик етуклик даражаси ошаётгани, сиёсий партиялар ҳамда парламентнинг ҳукуматни шакллантиришдаги роли янада кенгайитилган даволат беради. Бунинг замирида халқимизнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кучайтириш, сиёсий партияларни ҳам, парламентни ҳам халққа янада яқинлаштиришдек муҳим мақсад ётибди. Бу ўз ўрнида парламентнинг масъулиятини янада оширади. Чунки, ҳукуматга таъсир ўтказиш, унинг фаолиятини баҳо бериш парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, фракцияларро соғлом тортишувни жиддий кучайтиришни талаб этади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида Президентимиз сайлов тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор

қаратди. Дарҳақиқат, мамлакат нуфузи кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиқлиги ва демократик тамойилларга асосланishi билан боғлиқ. Шунга таъкидлаш лозимки, кўпгина мамлакатлар, ҳатто ривожланган фарб давлатларнинг қонунчилигида ҳозирда бизнинг сайлов тизимимизда мавжуд баъзи демократик мезъёрлар йўқ. Биргина сиёсий партияларнинг «ваколатли вакил» институти жорий этилгани, участка сайлов комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари овозларни санаб чиқиш натижалари баённомасини ўқиб эшиттириши ҳамда мазкур баённомани участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилиши ҳақидаги ва сайловларнинг очиқлигини таъминлайдиган бошқа қатор демократик қоидаларнинг аҳамияти нечогли катта эканини халқро экспертлар қайта-қайта таъкидламоқда.

Гарчанд бизнинг сайлов тизимимиз умумэтироф этилган халқро стандартлар ва демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берад-да, Президентимиз бу тизимни изчил такомиллаштириш, хусусан, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайлов кампаниясида тенг шароитлар яратиш, муддатидан олдин овоз бериш институтини такомиллаштириш, сайловолди ташвиқоти янада тартибга солиш каби тўзатишларни қонунчиликка киритиш масаласини қўйди. Бунинг тўз замрида фаровон ҳаёт куриш, юксак тараққиётга эришиш учун қўшимча имкониятлар, мустаҳкам замин яратиш мақсадлари ётибди.

Маърузада суд-ҳуқук тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ишлар ҳам батафсил таҳлил қилинди. Бу соҳадаги ишлар биринчи навбатда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатланган ҳимоясини таъминлашга қаратилган алоҳида таъкидланди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар жамиятимизда адолат тамойилларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият қасб этибгина қолмай, бошқа давлатлар учун ҳам ўрнак бўлмоқда. Суд-ҳуқуқ ислохотларисиз бошқа соҳалардаги ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини тасаввур

этиш қийин. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг суд ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича кенг қўламини чора-тадбирлар амалга оширилди. Суд ҳимоясини кафолатлари жиддий кучайтирилди.

Давлатимиз раҳбари инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари билан бевоқифлик босқичи бўлган икки ўта муҳим процессуал мажбурият чоралари, яъни лавозимдан четлаштириш ҳамда шахсни табибий муассасага жойлаштириши ҳал этишни бундан кейин судлар ваколатига ўтказишни тақлиф этиди. Бу тергов жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган ҳаттоларнинг олдини олади, ҳолисликни таъминлайди, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Юртбошимиз «Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш фурсати етганини ҳам алоҳида таъкидлади. Маълумки, бирор-бир қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция мезъёрлари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас. Миллий давлатчиликнинг янада мустаҳкамлашиши, ижтимоий йўналирилган бозор муносабатларининг ривожланиши, давлат органлари томонидан ўз функцияларининг самарали амалга оширилишида, энг асосийси, давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларнинг аниқ ҳуқуқий тартибга солинишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти катта. Сўнгги йилларда амалга оширилган давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги муҳим таркибий ўзгаришлар, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, парламент ислохотлари, қонунлари қабул қилиш механизмининг такомиллаштирилиши ҳам мазкур қонунни янги таҳрирда қабул қилиш заруратини тугдирди.

Концепция ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда демократик тараққиётни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Шундай экан, бу барчамиздан, айниқса, биз депутатлардан улкан масъулият талаб этади.

Баҳо амалий ишларга қараб берилади

айрим жойлардаги масъулиятсизлик, лоқайдлик, электорат олдидаги мажбуриятни ҳис этмаслик ишимизни орқага тортмоқда

ЎЗХДП ҳаёти

Жамиятда демократик тамойилларнинг қарор топиши, фуқаролар ҳуқуқий маданияти, сиёсий онгининг юксалишида сиёсий партияларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, партия маҳаллий кенгашларнинг ўз ўрни бор. Буни Фарғона вилоятидаги Бувайда, Учкўприк туман, Марғилон ва Фарғона шаҳар партия кенгашлари мисолида кўриш мумкин.

Масалан, ЎзХДП Учкўприк туман кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатлик гуруҳи худудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назорат этишда фаол иштирок этиш орқали партия электорати манфаатига мос, сайловчилар мурожаатларида қўйилган масалалар ечимини топшига эришмоқда. Бунда депутатлар ваколатидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Мисол учун, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада аяқлаш, қишлоқ врачлик пунктига мутахассисларнинг туну кун навбатчилигини ташкил этиш, касб-хунар коллежи битирувчиларидан 110 нафарини ишга жойлаштириш, ёш оилаларга ўй-жой учун кредит олишда ёрдам қўрсатиш каби ишларни туман аҳли мамнуният билан эътироф этмоқда. Фуқаролар туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасидан аримайди дегун бўлиб қолди. Сабаби, улар шу ерга келиб ўз муаммосини айтди, ечимини партия фаоллари, депутатлар билан бирга топади.

Аммо вилоятнинг барча худудиди ҳам аҳвол бирдек эмас. Айрим етакчиларнинг ўз вазифасига совуқлиги, лоқайд ва бепарволиги, ташаббусдан йироқлиги, замон талабларидан ортда қолаётгани оқибатда депутатлар ва туман партия кенгашлари имкониятлари бой берилмоқда.

ЎЗХДП Фурқат ва Данғара туман кенгашларининг пленумларида партиядошлар бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиши. Пленумлар очиқ-ошкор, жиддий таҳлил ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди.

Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгаши депутати Ҳасанбой Эргашев пленумда туман партия кенгаши фаолиятидаги камчиликларга ўзи ҳам бевоқиф айдор эканини тан олди. — Энг катта камчилигимиз шундаки, биз партиявий иш кенгашида фаолият қўрсатадиган беш-олти кишининг иши деб қараб келдик, — деди у. — Аслида бу ҳар бир аъзодан кат-

та масъулият талаб этишини унутиб қўйганмиз. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи иши ҳам лоқайдлигимиз, ҳамжиҳатликнинг йўқлиги сабабли бугунги кун талабларига жавоб бермайдим. Ҳасанбой Эргашев депутатлик гуруҳи раҳбари эмас. Залда айтилган аниқ, аммо асосли танқид уни минбарга олиб чиқарди. **Холбуки, партия депутатлик гуруҳи раиси Зафаржон Маматқулов бошқа бир йиғилиши баҳона қилиб, ташкилий пленумда иштирок этма-**

ХУШ, ТУМАН ПАРТИЯ КЕНГАШИНING АВВАЛО ЭЛЕКТОРАТ ВА ХАЙРИХОҲЛАР ОРАСИГА ДАДИЛ КИРИБ БОРОлмагани НИМАГА ОЛИБ КЕЛДИ? 2009 ЙИЛГИ САЙЛОВЛАДА ТУМАН ХУДУДИДАН ПАРТИЯМИЗ КўРСАТган НОМЗОДЛАРИнинг БИРОртаси ҳам Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Халқ Депутатлари Вилоят Кенгаши Депутатлигига Сайлана Олмади.

ди. Очиғини айтсак, ЎЗХДПдан Сайланган ўн нафар депутатнинг беш нафари пленумда қатнашмади. Бу нимадан даллат беради? Номзодни партиямиздан қўрсатишдан айрим депутатлар ўзининг шу партияга дахлдорлигини унутмаётганга ўхшайди. Оқибатда депутатлар билан туман партия кенгаши ўртасида алоқа узилиб қолган.

ЎЗХДП Фурқат туман кенгаши ҳужжатларида қайд этилишича, тумандаги партияимизнинг 40 та бошланғич ташкилоти 1726 нафар аъзони бириштиришга олиб бораётган ижтимоий-сиёсий ишларнинг самарадорлиги жуда паст. Чунки, 2010 йилнинг 11 ойи давомида туман партия кенгаши 4 та тadbир ўтказган. Бу тadbирлар ҳам партияимиз электорати манфаати нуктаи назаридан ҳеч қандай амалий аҳамиятта эга эмас. Мавзудари ҳам партия дастурий мақсадларини амалга ошириш ва уларни электорат орасида тарғиб қилиш билан мутлақо боғлиқ

вожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ташаббускорлиги йўқлигидир. ЎЗХДП Марказий Кенгашининг II пленумида партиянинг Ҳаракат дастури қабул қилинган эди. Шунга қўра, вилоятлар ва туман кенгашлари ҳам маҳаллий шарт-шароит, электорат манфаатларини ҳимоялашнинг ўзига хос худудий масалаларини инобатга олиб, ўз ҳаракат дастурларини ишлаб чиққан.

Аммо Фурқат туман партия кенгаши худудининг аниқ муаммоларини ўрганмаган, — деди Махмуджон Махкамов. — Натижада бундай дастури тузишда кўчирмачиликдан нарига ўтмади. Депутатлик гуруҳи эса халигача бирон-бир масалани ўрганиб, уни халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси ёки ҳеч бўлмаса, доимий комиссиялар мажлислари кун тартибига тақлиф этмади.

Пленумда сузга чиққан туман соғлиқни сақлаш бўлимидаги ЎЗХДП бошланғич ташкилоти раиси Руқияжон Шодиева, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари Шарофхон Нуриддинова, Камолiddин Эргашев партиялар олдида қўйилаётган талаблар, пленумда билдирилган барча танқидий мулоҳазалар асосида партия ишини, аввало, депутатлик гуруҳи фаолиятини кескин жонланштириш зарурлигини таъкидлади.

ЎЗХДП Данғара туман кенгашининг ҳам пленуми бўлиб ўтди. Унда туман кенгашининг

Исмоилов, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Мақсуудахон Фармонқулова, партия фаоли Баҳоидиржон Юсувлиев кенгаш фаолиятидаги камчиликлар учун баб-баравар масъул эканликларини билдириш, тегишли хулосалар чиқарганликларини айтди.

Пленумларда ЎЗХДП Фурқат ва Данғара туман кенгашларининг партия ташкилотини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш, депутатлик гуруҳларининг сайловолди дастурий устуворликлари ва электорат олдида зимиға олган мажбуриятларини бажариш борасидаги ишлари қоникарсиз деб топилди.

